

ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ СИФАТИДА МАЪМУРИЙ ЮСТИЦИЯ

Ўтказилаётган ислохотлар доирасида бугунги кунда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари вазифалари ва таркибини қайта кўриб чиқиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бунда бошқарув тизимини самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, қабул қилинаётган қарорлар сифатини яхшилаш ҳамда бошқарув аппаратида сарфланаётган асоссиз харажатларни қисқартиришга қаратилган қатъий фаолиятга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз демократик давлат куриш йўлидан борар экан, Республикамизда фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг давлат бошқарувида ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилишни таъминлашда суд органларининг контроли муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки ҳар қандай давлатда бошқарувнинг субъектлари сифатида албатта бир томондан давлат органи (ёки унинг мансабдор шахси) иккинчи томондан эса фуқаро (ёки юридик шахслар) иштирок этадилар.

Бундай бошқарув муносабатларида давлатнинг иродаси биринчи галда ифода этилади, демак, иккала субъектлар ўртасида низо юзага келган тақдирда (бундай шароитда давлат органида ёки мансабдор шахсда барибир устунлик мавжуд эканлигини унутмаслигимиз керак) уларнинг низолари низолар учинчи тараф бўлган яна бир бошқарув органи эмас, балки холис суд органи томонидан ҳал этилиши демократик талабларга ҳам мос келади.

Инсон ҳуқуқларига риоя этиш ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонларидан бири бўлиб ҳисобланади. Кўпгина давлатларда фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлишини таъминлаш нафақат умумий судлар, балки махсус суд органлари – маъмурий юстиция органлари орқали ҳам таъминланади.

Жаҳон ҳуқуқий амалиётида фуқаролар ва ташкилотларнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан (актларидан) ҳимоя қилишнинг махсус судлов механизми маъмурий юстиция деб аталади, яъни *маъмурий юстиция (маъмурий судлов) давлат органлари ва мансабдор шахслар билан фуқаролар ҳамда юридик шахслар ўртасида давлат бошқаруви муносабатларидан келиб чиқадиган маъмурий-ҳуқуқий низоларни махсус судлов йўли кўриб чиқиш ва ҳал этиш тизимидир.*

* ТДЮИ магистрантлари.

Маъмурий юстиция ўзининг қуйидаги ўзига хос элементлари билан бошқа ҳуқуқий институтлардан фарқ қилади:

1.Маъмурий юстиция орқали бошқарув муносабатларидан келиб чиқувчи маъмурий-ҳуқуқий низолар ҳал қилинади.

2.Маъмурий юстицияда маъмурий-ҳуқуқий низолар судлов йўли билан ҳал этилади, яъни маъмурий юстиция маъмурий судловни тақозо қилади. “Маъмурий юстициянинг асосий хусусияти шундаки, у энг аввало суд ҳимоясини, одил судловни ўзида ифода этади”¹.

3.Фуқаролар ва ташкилотларнинг оммавий ҳуқуқларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш маъмурий юстициянинг асосий мақсади ҳисобланади. Айнан ушбу субъектив ҳуқуқларнинг бузилиши факти маъмурий юстициянинг предмети ҳисобланади.

4.Маъмурий юстиция органлари (маъмурий судлар) муайян даражада ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан, яъни ижро органлари ва умумий юрисдикция судларидан мустақил ҳисобланадилар. Шунингдек, улар ижро ҳокимияти устидан ташқи контролни ҳам амалга оширадилар, яъни маъмурий юстиция орқали давлат органлари ва мансабдор шахсларининг фаолияти устидан судлов контроли ўрнатилади.

5.Маъмурий юстиция учун махсус “маъмурий-юстицион” муносабат субъектларининг мавжуд бўлиши хосдир (фуқаролар, давлат бошқаруви органлари ва мансабдор шахслар). Маъмурий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқувчи мансабдор шахслар, яъни судьялар давлат бошқаруви соҳасида етарли билим ва малакага эга бўлишлари лозим.

6.Маъмурий юстицияда маъмурий-ҳуқуқий низолар умумий судлар томонидан ёки махсус маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилади.

7.Маъмурий-ҳуқуқий низолар тарафларнинг тенглиги таъминланган ҳолда шикоятларни (ёки даъволарни) кўриб чиқиш асосида процессуал қоидаларга таяниб ҳал этилади.

8.Ишни кўриб чиққан маъмурий суд низонинг предмети бўлган давлат бошқарув акти ёки мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатини ноқонуний (қонуний), асоссиз (асосли) деб топиш тўғрисида ёки ҳуқуқбузарга нисбатан тегишли маъмурий мажбурлов чораси қўллаш тўғрисида қарор қабул қилади.

1 Яценко И.С. Проблемы административной юстиции в Российской Федерации (организационно-правовые аспекты).// В сб.: Административное право Российской Федерации. Великий Новгород.1999. С.107.

Инсон ҳуқуқлари ҳимояси, шу жумладан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг судда ҳимоя қилиниши тўғрисида гап борганда ана шу ҳуқуқ ва эркинликларнинг устуворлиги муаммоси кўндаланг бўлади. Чунки ҳамма давлатда ҳам инсон манфаатлари устувор масала сифатида кўрилавермайди. Бугунги кунда мамлакатимиз демократик давлат қуриш йўлидан борар экан, Республикамизда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилишни таъминлашда давлат бошқарувида суд органларининг назорати муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, ҳар қандай давлатда бошқарувнинг мажбурий субъектлари сифатида албатта бир томондан давлат органи (мансабдор шахс), иккинчи томондан эса фуқаро (юримдик шахс) иштирок этадилар. Бундай бошқарув муносабатларида давлатнинг иродаси биринчи галда ифода этилади, демак, иккала субъектлар ўртасида низо юзага келган тақдирда (бундай шароитда давлат органида барибир устунлик мавжуд эканлигини унутмаслигимиз керак) уларнинг низолари бошқарув органи томонидан эмас, балки холис суд органи томонидан ҳал этилиши демократик талабларга ҳам мос келади.

Конституциямизнинг 44-моддасига биноан ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органи, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Конституциянинг ушбу қондаси умумэътироф этган халқаро меъёрларга мос келади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 8-моддасида айтилганидек: “Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонунлар тақдим этган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда бундай ҳуқуқларнинг ваколатли миллий судлар томонидан самарали қайта тикланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир”². Бундан ташқари, халқаро меъёрлар давлатларнинг “суд ҳимоясида бўлиш имкониятларини ривожлантириш” борасидаги бурчини ҳам таъкидлаб кўрсатади (Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 2-моддаси)³.

Инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш муаммосига нисбатан алоҳида диққат-эътибор бутунлай асослидир. У ёки бу органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ноқонуний қарори, хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари устидан судга ҳеч қандай

2 Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билль. Т. Адолат, 1992. –Б. 12.

3 Международные акты о правах человека.// Сборник документов. М., Группа Норма-Инфра. 1999.-Б. 40-54.

тўсиқсиз мурожаат қилиш имконияти- буюк эркинликнинг энг муҳим шартидир. Судга шикоят билан мурожаат қилиш, бундай шикоят билан маъмурий тартибда мурожаат қилишга нисбатан бир қатор афзалликларга эга, чунки судда иш кўриш қатъий қоидалар асосида бўлиши билан тартибга солинган.

Шундай қилиб, фуқаронинг судга эркин ва тенгилк асосида мурожаат қилишини таъминлаш муаммоси ҳозирги кунда кўпгина давлатлар олдида кўндаланг бўлиб турган муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Бошқарувда суд контролини амалга оширишда унга қўйиладиган асосий талаб-ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишнинг кенг миқёсда бўлиши, яъни бошқарув органлари фаолияти ва қабул қилган барча актларнинг суд контроли остида бўлиши лозимлигидир⁴.

Собиқ ССР Иттифоқи учун гарчи расмий равишда суд орқали самарали ҳимоя қилиш ҳақидаги халқаро меъёрлар мажбурий ҳисобланган бўлса-да, улар амалда тан олинмасди. Совет конституцияларида суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқининг умумийлиги тўғрисидаги принцип йўқ эди. Масалан, кўпгина ходимларнинг меҳнатга оид низолари судда эмас, балки фақат бўйсуниб тартибида юқори турувчи идораларда кўриб чиқиши мумкин эди. Президентимиз И.А.Каримов “Фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгайтириш даркор. Ваҳоланки, айрим тармоқ қонунларида ҳуқуқлари поймол этилган фуқароларнинг шикоятларини судлов йўли билан эмас, маъмурий йўл билан кўриб чиқиш тартиби ҳам учрайди. Албатта бу ҳол – Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясига ва бизнинг Конституциямиз талабларига зид. Фуқаро агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмоғи даркор”,⁵ деб таъкидлаши бежиз эмас.

Бугунги кунда Ўзбекистонда маъмурий юстициянинг умумий судлов тизими амал қилмоқда. Яъни, маъмурий-ҳуқуқий низолар мамлакатимизда умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари томонидан кўриб чиқиб, ҳал этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 3-моддасига биноан хўжалик судида суд ишларини юритиш вазифалари қуйидагилардан иборат:

4 Д.В. Карпов. Проблемы конституционно-правового гарантирования правозащитной функции судебной власти в Российской Федерации. Автореф. дисс.канд.юрид.наук. Н. Новгород, 2000.

5 И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг сийсий ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари//Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. Тошкент, 1996 й. –Б. 17-18.

1) иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

2) иқтисодиёт соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш⁶.

Шунингдек, мазкур кодекснинг 23-моддасига биноан хўжалик судига қуйидаги ишлар тааллуқлидир:

1) иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар;

2) иқтисодиёт соҳасида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар;

3) ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар.

Шунингдек, ХПКнинг 24-моддасига мувофиқ маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга:

шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги низолар;

давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан берилган шикоят;

агар қонунда сўзсиз (акцептсиз) тартибда жарима ундирилиши назарда тутилмаган бўлса текширув вазифаларини амалга оширувчи давлат органлари томонидан ташкилотлар ва фуқаролардан жарималар ундириш тўғрисидаги низолар;

текширув вазифаларини амалга оширувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда сўзсиз (акцептсиз) тартибда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини бюджетдан қайтариш тўғрисидаги низолар киради.

6 Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси 30.08.1997 й. 478-I-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1997 й. 9-сон, 234-модда .

Юқорида таъкидлаганимиздек, бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари иқтисодий эркинлигини таъминлаш ва уларга кенг ҳуқуқий кафолатлар беришга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, хўжалик субъектларини текширишларни тартибга солиш ва назорат органлари сонини мунтазам қисқартириш бўйича доимий иш олиб борилмоқда. Жумладан, ҳукуматнинг қатор махсус қарорлари бугунги кунда иқтисодий фаолият субъектлари хўжалик ишларига давлат органлари аралашувини сезиларли даражада чеклади, натижада хўжалик субъектларини давлат назорат органлари томонидан текширишлар бир неча баробар камайди. Хусусан, 2006 йилда 9600 та иш бўйича хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, улар фойдасига жавобгарлардан 45 миллиард сўмлик маблағларни ундириш ҳақида суд қарорлари қабул қилинди. Бошқарув идоралари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларига ҳилоф тарзда чиқарилган 380 дан ортиқ ҳужжатлари суд қарорларига асосан ҳақиқий эмас деб топилди⁷.

2005 йилнинг июнь-октябрь ойлари давомида Президентимиз томонидан қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорлар ҳам тадбиркорларнинг ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилиш борасидаги ислохотларнинг ривожига янги босқични бошлаб берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони⁸ мувофиқ, дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги каби Ўзбекистонда ҳам тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг, хусусан, белгиланган истиснолардан ташқари, фаолиятни тўхтатиб қўйиш, тугатиш, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни қўллаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш, лицензияларни ўн кундан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилишнинг фақат суд орқали амалга оширилиши турли давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан етарли асосларсиз, баъзан эса адолатсиз таъсир чоралари қўлланишининг олдини олади.

7 Ишметов А. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда суд ислохотларининг аҳамияти // Фуқаролик жамияти. №1 (5). 2006. –Б. 30-32.

8 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталари Ахборотномаси. 2005. №6. 215-модда.

Фармонга кўра давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки шу орган мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарни суд қарори асосида бевосита ана шу давлат органлари ёки мансабдор шахслари томонидан тўлиқ қопланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу билан биринчидан, етказилган зарарнинг тўлиқ қоплаши таъминланса, иккинчидан, мазкур орган мансабдор шахсларининг масъулияти ва жавобгарлиги ҳам ошади.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янада мустаҳкам тизимини яратишни тақозо қилмоқда. М.Х. Рустамбоевнинг фикрича: “ҳозирда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари ўз ниҳоясига етганича йўқ ва бу соҳадаги қатор муаммоларни ҳал этиш лозим”⁹. Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда фуқароларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг маъмурий тартибидан воз кечиб фақат суд орқали ҳимоя қилишнинг тизимини шакллантириш лозим. Бунинг учун судларни ихтисослаштириш борасидаги ислохотларни изчил давом эттирган ҳолда маъмурий юстиция органларини ташкил қилиш лозим. Тўғри, бугунги кунда мамлакатимиздаги умумий судлар ҳам фуқаролар ва юридик шахсларнинг давлат бошқарувидаги ҳуқуқларини имкон борича таъминлаб келмоқдалар, шу билан бирга амалга оширилаётган ислохотлар Республикамизда маъмурий судларни ташкил этиш учун аста-секинлик билан замин ҳозирламоқда.

Бу соҳада демократик ривожланган давлатларнинг тажрибаларини ўзлаштириш ҳам муҳимдир. Мазкур тажрибалардан сабоқ олган ҳолда биз ҳам бу борадаги ўз ислохот йўналишимизни ишлаб чиқишимиз лозим бўлади. Суд тизимининг янада самаралироқ ихтисослашув механизминини яратиш-бу Республикада оптимал суд тизимини яратишнинг ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муҳофазаланишининг муҳим омилидир.

9 М.Х. Рустамбоев. Современное состояние и перспективные задачи судебно-правовой реформы в Республике Узбекистан. // Традиционное право Узбекистана и Японии. Проблемы совершенствования законодательства. Конф.мат.межд. симпозиума 11-13-сент. 2002 г. С. 18.